



О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI DAVLAT STATISTIKA QO‘MITASINING QARORI

2021 y. «31» март № 4

Истеъмол бозорида товарларнинг нархлар даражасини аниқлаш юзасидан нархлар кузатувларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ҳудудий статистика органларининг ходимлари учун қўлланмани тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонунининг 5¹-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3671-сон ҳамда 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ижросини таъминлаш, шунингдек, мамлакат истеъмол бозорида нархлар даражасини аниқлаш бўйича товарларнинг нархлари кузатувларини ташкил этиш ва ҳисоблаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида, Давлат статистика қўмитаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Истеъмол бозорида товарларнинг нархлар даражасини аниқлаш юзасидан нархлар кузатувларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ҳудудий статистика органларининг ходимлари учун қўлланма иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор 2021 йил 1 апрелдан кучга киради.

Раис

Б.Бегалов

Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитасининг
2021 йил “___” _____даги
___-сон қарорига
ИЛОВА

**Истеъмол бозорида товарларнинг нархлар даражасини аниқлаш
юзасидан нархлар кузатувларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича
худудий статистика органларининг ходимлари учун
ҚЎЛЛАНМА**

1. Истеъмол бозорида товарларнинг нархлар даражасини аниқлаш юзасидан нархлар кузатувларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича худудий статистика органларининг ходимлари учун Қўлланмада (кейинги ўринларда Қўлланма) давлат статистика органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси бўйича дўконлар, деҳқон ҳамда ихтисослаштирилган бошқа турдаги савдо нуқталардаги истеъмол товарларининг минимал-максимал ва ўртача нархлари даражасини аниқлаш юзасидан кузатувларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тегишли тавсиялар берилган.

2. Қўлланма, худудий статистика органлари томонидан дўконлар, деҳқон бозорлари ва бошқа савдо нуқталарида маҳсулотларнинг истеъмол нархлари кузатувини ташкил этиш, ўтказиш ҳамда маълумотларни жамлаш ва тақдим этиш тартибини белгилаб беради.

1-боб. Нархлар кузатувини ташкил этиш

3. Нархлар кузатувлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида кузатиладиган товарлар рўйхатидаги маҳсулотлар билан етарли даражада тўйинган, ассортимент сони ва мезонларини инобатга олган ҳолда, нарх регистраторлари томонидан танлаб олинган савдо нуқталарида амалга оширилади.

4. Нархлар кузатувини ташкил этиш қуйидаги босқичларни қамраб олади:

1- босқич, кузатувлар ўтказиладиган савдо нуқталари (дўконлар, деҳқон ҳамда ихтисослаштирилган бошқа турдаги савдо нуқталари) рўйхатини шакллантириш;

Кузатувларга савдонинг турли хил шартларига эга савдо объектлари киритилиши учун, унда шаҳар (туман)нинг аҳоли гавжум қисмида жойлашган, ҳажми жиҳатидан (йирик, ўрта ва кичик) фарқланадиган савдо нуқталари иштирок этиши зарур.

Нарх регистраторлари томонидан ҳар бир ҳудуд бўйича танлаб олинган савдо нуқталари рўйхати шакллантирилади. Ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, савдо фаолияти соҳасидаги ўзгаришлар, янги савдо объектларининг ташкил топиши, фаолияти тугатилганлари, шунингдек, иш хусусиятидан келиб чиқиб кузатув объектлари рўйхати ўзгариб туриши мумкин.

2- босқич, кузатув бланкалари бўйича кузатиладиган товарлар рўйхатидаги маҳсулотларнинг истеъмол нархларини рўйхатга олиш;

3- босқич, маълумотларни таҳлил қилиш ва якуний жадвалларни шакллантириш.

5. Кузатувлар нархларни қайд этиш бўйича кузатув бланкалари асосида махсус дастурлаштирилган планшетларда олиб борилади.

6. Нархлар статистикаси кузатувларини ўтказиш учун планшетларда “Танланма кузатувлар” платформаси ўрнатилган бўлиб, мазкур платформада ҳар бир кузатувларнинг ўтказиладиган савдо нуқталари рўйхати ҳамда кузатув бланкаларини тўлдириш тартибига мос келувчи электрон шакллар ўрнатилган. Нарх регистраторлари ҳар бир кузатув бўйича платформанинг тегишли бўлимига кириб, маҳсулотлар нархларини электрон дастурда қайд этади.

Планшетларда товарлар рўйхатидаги ҳар бир маҳсулот бўйича электрон дастурга 10 тагача нархларни киритиш имконияти мавжуд.

7. Планшетларда қайд этилган нархлар автоматик тарзда Давлат статистика қўмитасининг маълумотлар базасига келиб тушади.

2-боб. Нархларни рўйхатга олиш

§ 1. Дўконлардаги ўртача нархлар кузатуви

8. Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурига мувофиқ, мазкур кузатув ҳар ҳафтанинг сешанба куни, республиканинг барча туман ва шаҳарларида танлаб олинган 2-5 та савдо дўконларида ўтказилади.

Дўконларнинг сони маҳсулот тури ҳамда нарх тебранишларини инобатга олган ҳолда белгиланган миқдордан кўпайиши ёки камайиши мумкин.

Муайян сабабларга кўра, кузатувга танлаб олинган дўконлар фаолияти тўхтатилган бўлса ёки кузатув кунда товарлар рўйхатидаги маҳсулот танлаб олинган дўконда сотувда мавжуд бўлмаса, у ҳолда мазкур дўкон ўрнига кузатиш натижаларига кўра шу турдаги ёки товар айланмаси даражаси яқин бўлган бошқа дўкон танлаб олинади ҳамда планшетда “Танланма кузатувлар” платформасида савдо нуқталари таркибига тегишли ўзгартиришлар киритилади.

9. Нарх регистратори кузатув ўтказиш кунида, танланмага тушган дўконларга ташриф буюради ва товарлар рўйхатидаги бир турдаги маҳсулотнинг турли нарх даражаларидан энг кўпида 10 тасини қайд этади. Бунда, нарх регистратори кузатилаётган маҳсулотнинг турли нарх даражаларини қамраб олишга эътибор қаратиши лозим.

10. Мавсумий омилларга кўра савдода кузатилмаган маҳсулотлар бўйича планшетларга “0” қийматда нарх қайд этилади.

11. Дўконда маҳсулотнинг фақат бир тури ёки бир хил нарх даражалари кузатилган ҳолларда планшетда фақат битта нарх қайд этилади.

12. Давлат статистика қўмитаси ва ҳудудий статистика бошқармалари “Танланма кузатувлар” платформасида нарх регистраторлари томонидан қайд этилган маълумотларни текширади ва уларни электрон маълумотлар базасига олинади. Электрон маълумотлар базасида маълумотлар қайта ишланади, таҳлил қилинади, зарур ҳолларда қўшимча изоҳлар сўраган ҳолда маълумотларга аниқлик киритилади.

13. Таҳлилий ишлар якунлангандан кейин Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурида белгиланган жадваллар чоп этилади ҳамда фойдаланувчиларга етказилади.

§ 2. Деҳқон бозорларидаги нархлар кузатуви

14. Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурига мувофиқ, мазкур кузатув ҳар ҳафтанинг чоршанба куни, республиканинг деҳқон бозорлари мавжуд барча туман ва шаҳарларида ўтказилади.

15. Нарх регистратори кузатув ўтказиш кунида, танланмага тушган деҳқон бозорларига ташриф буюради ҳамда товарлар рўйхатидаги ҳар бир маҳсулот бўйича ушбу маҳсулот сотиладиган барча савдо расталаридаги нархларни ўрганиб чиқиб, маҳсулотнинг турли нарх даражаларидан энг кўпида 10 тасини планшетда қайд этади. Бунда, нарх регистратори кузатилаётган маҳсулотнинг турли нарх даражаларини қамраб олишга эътибор қаратиши лозим.

16. Мавсумий омилларга кўра савдода кузатилмаган маҳсулотлар бўйича планшетларга “0” қийматда нарх қайд этилади.

17. Деҳқон бозорида маҳсулотнинг фақат бир тури ёки бир хил нарх даражалари кузатилган ҳолларда планшетда фақат битта нарх қайд этилади.

18. Давлат статистика қўмитаси ва ҳудудий статистика бошқармалари “Танланма кузатувлар” платформасида нарх регистраторлари томонидан

қайд этилган маълумотларни текширади ва уларни электрон маълумотлар базасига олинади. Электрон маълумотлар базасида маълумотлар қайта ишланади, таҳлил қилинади, зарур ҳолларда қўшимча изоҳлар сўраган ҳолда маълумотларга аниқлик киритилади.

19. Таҳлилий ишлар якунлангандан кейин Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурида белгиланган жадваллар чоп этилади ҳамда фойдаланувчиларга етказилади.

§ 3. Вилоят марказий ҳудудлари кесимида, тайёр паловнинг ўртача нархлари кузатуви

20. Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурига мувофиқ, мазкур кузатув ойлик даврийликда, ойнанинг 22-куни вилоятларнинг марказий шаҳарларида, танлаб олинган умумий овқатланиш корхоналарида ўтказилади.

21. Палов нархларини кузатиш учун, асосан, кенг истеъмолдаги палов тайёрлашга ихтисослашган “ош марказлари” ёки паловнинг истеъмоли юқори бўлган ҳамда палов порциялаб сотиладиган бошқа умумий овқатланиш корхоналари танлаб олинади.

22. Нарх регистратори умумий овқатланиш корхоналарида таклиф этилаётган 1 порция ошнинг нархини планшетда қайд этади.

23. Давлат статистика қўмитаси “Танланма кузатувлар” платформасида нарх регистраторлари томонидан қайд этилган маълумотларни электрон жадвалларга кўчиради. Электрон жадвалда вилоятлар кесимида 1 порция паловнинг ўртача нархи ва ўтган ойга нисбатан индекси шакллантирилади ва фойдаланувчиларга эълон қилинади.

§ 4. Уюшган савдо мажмуалари ва деҳқон бозорларида айрим (ун, нон, буғдой) маҳсулотларнинг ўртача минимал ва максимал нархлари

24. Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурига мувофиқ, мазкур кузатув кунлик даврийликда, иш кунларида республиканинг барча туман ва шаҳарларида, ушбу маҳсулотларни доимий, барқарор кузатиш имконини берувчи, ушбу маҳсулотлар билан мунтазам тўлдирилиб турувчи, танлаб олинган **3 ёки 4 та** савдо нуқталарида ўтказилади. Кузатувга деҳқон бозорларидаги турғун савдо нуқталари (расталар), дўконлар ёки йирик савдо мажмуалари танлаб олинади.

25. Буғдой нархлари чакана савдо нуқталарида кузатилади ва бир килограмм буғдойнинг истеъмол нархлари қайд этилади.

26. Ун қуйидаги тоифаларга ажратилган ҳолда кузатилади:

- 1-навли маҳаллий буғдой уни;
- олий навли маҳаллий буғдой уни;
- 1-навли импорт қилинган буғдой уни;
- олий навли импорт қилинган буғдой уни.

Кузатувга аҳоли томонидан кўп истеъмол қилинадиган ва сотувда барқарор турадиган унларнинг турларини танлаб олиш ҳамда мунтазам равишда айнан ушбу танлаб олинган унларнинг турларини кузатиш лозим.

Барча тоифадаги унларнинг чакана савдо нуқталаридаги бир килограмм учун истеъмол нархлари планшетда қайд этилади.

27. Ноннинг қуйидаги 2 тури кузатилади:

- 1-навли буғдой унидан тайёрланган нон (қолипли нон);
- миллий нон, обинон (ёпган нон).

Кузатувда ҳар икки турдаги ноннинг вазнини тарозида ўлчаш ҳамда планшетда ноннинг вазни ва истеъмол нархларини қайд этиш лозим.

28. Давлат статистика қўмитаси ва ҳудудий статистика бошқармалари “Танланма кузатувлар” платформасида нарх регистраторлари томонидан қайд этилган маълумотларни электрон жадвалларга кўчиради. Электрон жадвалда туманлар кесимида маҳсулотларнинг минимал ва максимал нархлари, вилоятлар кесимида ўртача минимал ва ўртача максимал нархлари тўғрисида маълумотлар шакллантирилади.

29. Ушбу кузатув бўйича якуний маълумотлар Давлат статистика қўмитаси томонидан вилоятлар кесимида шакллантирилади ҳамда тегишли вазирликлар ва идораларга тақдим этилади.